

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз томонидан оқилона иқтисодий дипломатия юритилаётгани натижасида экспорт ва инвестиция миқдори изчил ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробар ўсган. Бунинг эвазига юзлаб завод ва корхоналар ишга туширилиб, маҳсулот ва хизматлар ҳажми кўпайди, одамлар ишли бўлди, янги иншоотлар қурилди.

Бундай ишлар ҳар бир тармоқ ва ҳудудда давом этмоқда. Йил бошидан буён 179 та йирик ва 10 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилган. Уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилган. 143 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Йиғилишда янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Охирги йилларда фойдаланишга топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда иш-лаётгани қайд этилди. Жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида хом ашё ва бозор топиш, 115 тасида кредит, 35 тасида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

Вилоят ҳокимлариغا ушбу корхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 та йирик ва 3 мингта ҳудудий ло-

йиҳаларни ишга тушириш ва-зифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир сўм инвестиция иқтисодиётга натижа бўлиб қайтиши, халқимиз манфаатига хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Шу боис лойиҳалар бўйича кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва келгусида натижа бериши қатъий назоратга олинди.

Саноат лойиҳаларида асосий эътибор замонавий, рақобатбардош, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Шу боис улар учун илғор хорижий техноло-гиялар харид қилинган.

Йиғилишда жорий йилда импорт қилинган 270 дан орტიқ ускуна ҳали ўрнатилма-гани кўрсатиб ўтилди. Бунга

сабаб бўлаётган жараёнлар-ни соддалаштириб, ускуна-ларни тезроқ фойдаланишга киритиш зарурлиги таъкид-ланди.

Шавкат Мирзиёев Президент сайлови олди-дан халқ билан учрашувларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича янги тизим жорий этилишини айтган эди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда “туман лойиҳа гуруҳлари” ва ҳолдинг ком-паниялари ташкил этилиши режалаштирилган. Ушбу янги тузилмалар тадбиркор-ларнинг бизнес ҳамкорига айланади. Улар тадбиркор-ларнинг ёнида туриб, гоёдан бошлаб, инвесторларни жалб қилиш ва лойиҳалар-нинг тўлиқ қувватда ишлаши-

гача ҳар куни ёрдам бериш-га масъул бўлади.

Йиғилишда ушбу янги ти-зимни тез ва самарали таш-кил этишга доир вазифалар белгиланди.

Президент хорижий инве-стиция ва экспорт ҳажмини оширишда мамлакатимизнинг чет давлатлардаги элчилари фаолияти муҳимлигини таъ-кидлади. Худуд ва тармоқ раҳбарларига истиқболли лойиҳалар топиб, элчилар билан биргаликда уларни амалга ошириш бўйича топ-шириқлар берилди.

Муҳокама қилинган масала-лар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

Ў.А.

Сенат қўмитасида АГЕНТЛИКНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда узум етишти-риш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривож-лантиришни ташкил қилишда амалга оширил-ган ишлар юзасидан Алко-голь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда ви-ночиликни ривожланти-риш агентлигининг ахбо-роти эшитилди.

Қайд этилганидек, узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлаш ҳамда ривожлантириш бўйича муайян ишлар бажарилган. Хусусан, рес-публика бўйича 10 минг 700 гектар майдонда янги саноатбоп тоқзорлар барпо этилди ва шундан 2 минг 964 гектарига том-чилатиб суғориш тизими жорий қилинган.

Давлат бюджетидан Ал-коғоль ва тамаки бозори-ни тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожланти-риш агентлиги жамғарма-си орқали 2020 йилда янги тоқзорларга томчилатиб суғориш тизimini жорий этиш ва артезиан қудуқлар учун 33,4 млрд. сўм, 2021 йилнинг 9 ойида 9 млрд. сўм субсидия маб-лағи ажратилган.

Ўзбек миллий брендини яратиш бўйича 110 та то-вар белгиси ва маҳсулот миллий номлари патент-ланган ҳамда 8 хил мева-резаворлардан тайёрлан-ган вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга

қўйилган. Аини чоғда жо-рий йилнинг 9 ойида экс-порт ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайти-риш мақсадида 38,8 млн. долларлик маҳсулот экс-порт қилинган.

Йиғилишда шу каби ижобий ишлар билан бир-га, соҳада ечимини кутаёт-ган тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлиги ҳам алоҳида айтиб ўтил-ди. Масалан, жойларда янги тоқзорлар ташкил этилмаган, яроқсиз бўлиб қолган тоқзорлар эса ян-гиланмаган. Шу билан бир-га, агентлик томонидан лицензиялаш тартиб-тао-милларига риоя қилмаган ҳолда хулосалар берилган.

Тадбирда иштирокчилар томонидан бугунги кунда никотинли снюс истеъмо-ли ўсмирлар орасида кенг оммалашиб бораётганли-ги, умумтаълим муассаса-ларида ўтказилган рейд-лар давомида ўқувчилар томонидан ушбу маҳсулот-лардан фойдаланилаётган-лиги аниқлангани ҳамда бу муаммонинг олдини олиш-га қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чи-қиш муҳимлиги ҳам таъ-кидланди.

Қўрилган масалалар юзасидан парламент юқори палатаси қўмитаси-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт ТАХИАТОШДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган миқёси жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия ва Ички иш-лар вазирликларининг масъ-ул ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан амалдаги ай-рим қонунлардаги “доимий прописка қилиш” тушунчаси “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” тушунчасига, “турган жойи бўйича ҳисобга олиш” тушунчаси эса “вақтин-ча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” деб ал-маштирилади. Бир қатор

қонунларда биометрик пас-портга оид ишлатилаётган тушунчалар келгусида идентификацияловчи ID-кар-та билан қўлланилиши сабаб-ли ушбу қонунларга “идентификацияловчи ID-карта” тушунчаси ҳам киритилади.

Шунингдек, лойиҳада бел-гиланаётган нормалар билан фуқаро идентификацияловчи ID-картани олиш ёки ал-маштириш юзасидан ўз ва-қтида мурожаат қилмаганида, яроқсиз ҳолга келтирганда ёки йўқотиб қўйган тақдирда

маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқ барта-раф этилмоқда.

Ишчи гуруҳи йиғилишида лойиҳадаги айрим нормалар, депутатлар берган таклифлар қизгин муҳокама қилиниб, ун-даги моддалар янада тако-миллаштирилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш”, “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” ҳамда “идентификацияловчи ID-кар-та” тушунчалари билан боғлиқ бўшлиқларнинг бартараф эти-лишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини такомил-лаштириш жараёнлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Акс садо ТАБИАТГА ОДИЛОНА МУНОСАБАТДА БЎЛСАК, У БИЗНИ НЕЪМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД ЭТАДИ

Биз истаймизми, йўқми, табиатнинг муҳим бир бўғини сифатида у билан мулоқотга киришамиз. Агар табиатга одилонa муносабатда бўлсак, у ўзининг бағрини кенг очиб, бизни неъматларидан баҳраманд қилади. Аксинча бўлса, бу қандай ёмон оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

Ана шу ўлмас қондани билганимиз ҳолда, ин-сон ҳаётининг бош омили бўлган табиатга ҳар доим ҳам тўғри му-носабатда бўлавермас-лигимиз аини ҳақиқат. Шунинг ортидан пайдо бўлган экологик муам-молар глобал хавф да-ражасига етганида эса ўзимизни оқлашга ҳара-кат қилиб қоламиз. Дей-лик, илм-фан тараққиёти, саноатнинг ривожини, ай-рим инсонларнинг таби-атга бўлган ҳўжасизлар-ча муносабати ва яна қатор вахлар...

Ана шу ҳаётий ҳақиқат-дан келиб чиқиб, кейин-ги йилларда юртимизда бу масалага ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қараб келинмоқда. Яъни она табиатнинг яшил та-янчи бўлган даракларни асраб-авайлаш, муҳофа-за этиш, кўпайтириш давлат сиёсати даража-сига кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонлар-ни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган ви-деоселектор йиғилиши-да айнан шу билан боғ-лиқ долзарб вазифалар илгари сурилди. Жумла-дан, “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доира-сида йилга 200 милли-он туп даракт ва бута кўчатини экиш режа-лаштирилгани маълум қилинди. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа доирасида даракт ва бута кўчатла-рини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш мақсад қилинмоқда.

➡ 2

Парламент назорати АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ИШЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари ҳамкорлигида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб бори-лаётган ислохотлар самарадорлигини янада оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 6-банди ижроси юзасидан мутасадди вазир-ликларнинг ахбороти эшитилди.

➡ 2

ИХЧАМ УСКУНА ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмон-хонасида “UZGROW Tashkent — 2021” халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Иссиқхона ва су-ғориш тизимлари намоёйиши ҳамда ўзаро музокаралар майдонига айлан-ган мазкур анжу-ман Туркиянинг “Sofuar LTD STi” корхонаси томони-дан Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Боғдорчилик ва ис-сиқхона хўжалиги-ни ривожлантириш агентлиги ҳамда “BMB Trade Group” компанияси ҳамкорлигида таш-кил этилди.



Халқаро кўргазма



Қайд этиш жоизки, мазкур тадбир Президентимизнинг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда жорий йил 28 июлдаги “Ўзумчиликни ривожланти-ришда кластер тизimini жорий этиш, соҳа-га илғор технологияларни жалб қилишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлашда қўл кела-ди. Чунки мазкур қарорларда боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалиқларини ри-вожлантиришга қаратилган мақсадли комплекс дастурлар ишлаб чиқиш, тармоққа тежамкор технологияларни жорий этиш, томчилатиб су-ғориш усулидан фойдаланган субъектларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.

➡ 3



АҲОЛИГА ТИББІЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

◀ Кайд этилганидек, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш энг устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Натижада оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилиб, аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилиб, тез тиббий ёрдам шоҳобчалари оилавий поликлиникаларга-ча жойлаштирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармониغا мувофиқ, олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун “Қишлоқ шифокори” дастури жорий этилиб, дастур доирасида ишга қабул қилинадиган шифокорларнинг яшаши учун шароитлар яратиш, уларни моддий рағбатлантириш, ипотека кредитлари асосида уй-жой ажратиш вазифалари белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар бугунги кунда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш билан бирга, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эъти-

бор қаратиб, соҳа фаолияти устидан депутатлик ва парламент назоратини олиб бормоқда.

Хусусан, халқ вакиллари томонидан “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилиниши ҳолати вазирликлар тақдим этган маълумотлар асосида ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида жойига чиққан ҳолда назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Ўрганишлар шунини кўрсатдики, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг сифатли ва қулай тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратувчи мазкур дастурни жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган рўйхатга кўра, 243 та ҳудудда жойлашган 40 та оилавий поликлиника ва 83 та оилавий шифокорлик пунктидаги шифокорлик штатлари ўрганиб чиқилди. Бўш иш ўринларини малакали шифокор билан таъминлаш юзасидан “Қишлоқ шифокори” дастури доирасидаги имкониятлардан фойдаланиш учун 70 нафар шифокор-ҳодим билан вилоят ҳокимликлари ўртасида шартномалар тузилиб, 93,5 штат бирлиги банд қилинди.

Ҳозирги кунда дастур доирасида ишга қабул қилинган шифокорларни хизмат уйлари билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Қолаверса, республика бюджетига ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағлари тўлаб бериш йўлга қўйилган.

Эшитувда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар аҳолига қулайликлар яратиш баробарида, тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилашга имкониятни кенгайтириши айтилиб, дастур доирасида иш бошлаган, ижара уйига жойлашган шифокорларга ижара тўловларини ўз вақтида тўлаш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”).

ТАХИАТОШДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШИРИЛАДИ

◀ Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Натижада бошқа ҳудудлар-

дан ҳам минтақага келаётган тадбиркорлар кўпайиб бормоқда.

Хусусан, яқинда сурхондарёлик бир гуруҳ тадбиркорлар бу ерда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, “Қорақалпоғистонда бизнес қилиш”и гоёси асосида юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқариш соҳаларида ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун Тахياتош туманига келди.

Кеча Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов тадбиркорлар билан учрашиб, ҳудуд имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ша-

роитлар хусусида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, тадбиркорлар Тахياتош туманида янги лойиҳани ишга тушириш ниятида эканликларини, бунинг учун ҳудудда ўзига хос имконият ва инфра-структура мавжудлиги, бу улар фаолиятида муҳим омил бўлиши-ни қайд этди.

ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ БЎЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Тошкент шаҳридаги Янгиҳаёт тумани халқ депутатлари Кенгаши депутатлари билан учрашди.

Бундан кўзланган мақсад — Олий Мажлис Сенатининг йиғирмани ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, парламент юқори палатаси қарорлари ижроси ва фуқаролар мурожаатларини жойида ўрганишдир.

Шундан келиб чиқиб, сенатор томонидан йиғирманчи ялпи мажлисда

қўрилган масалалар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Сенат ва унинг Кенгаши қарорлари ижролари ҳам муҳокама этилди. Хусусан, “Маҳалла — беш ташаббус бешиги” кўрик-танлови ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсати ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизими доирасида туманда олиб борилган ишлар юзасидан мутасадди ташкилот раҳбар-

ларининг ахборотлари эшитилди.

Бундан ташқари, сенатор томонидан ёшлар мурожаатлари билан ишлаш ва улар муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш борасида депутатларга тавсиялар берилди.

Хусусан, ҳудудларда ташкил этилаётган сектор раҳбарлари ва навқирон авлод учрашувларида мунтазам қатнашиш, уларда кўтарилган муаммолар масалалар юзасидан депутатлик назоратини олиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди. Аини пайтда депутат ва ёшлар учрашувлар-

рини уюштириб бориш ҳамда ижобий ҳал бўлмаган мурожаатлар бўйича Сенатга ахборот киритиш, уларни ҳал қилишда тўсқин бўлаётган муаммоларга ечимлар топиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, учрашувларда кўтарилган долзарб масалалар бўйича депутатлик сўровини юбориш ва натижасини Кенгаш сессияларида муҳокама этиш, ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиш, хусусан, ёшлардан тўшаётган мурожаатларнинг

кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларига ҳам ургۇ берилди. Мазкур масалаларга масъул вазирлик ва идоралар ҳудудий бошқарма ҳамда бўлимлари раҳбарларининг ёшлар мурожаатлари билан ишлашдаги ҳисоботини Кенгашда эшитиш бўйича ташаббус кўрсатиш ҳамда бу борада қониқарсиз ишлаётган вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларига тегишли чоралар кўриш юзасидан Сенатга тақлиф киритиш тавсия қилинди.

“Халқ сўзи”.



БИЗНЕС ЮРИТИШ УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК МАВЖУД

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор тўғрисида бу соҳа йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу тармоқ ўзининг иқтисодий-иқтисодийдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида тобора муҳим ўрин эгаллаётир.

Нуктаи назар

Қисқача айтганда, юрти-мизда тадбиркорлар даври бошланди. Ишлайман, тадбиркорлик қиламан, деган ишбилармонлар учун йўл очик, имкониятлар кенг. Энг муҳими, бу билан минглаб оилаларга барака киряпти, юз минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 август кунини тадбиркорлар билан очик мулоқотида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифалари белгиланган берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай йиғилишда кўтарилган барча масала ўзининг ижобий ечимини топапти. Бунга ақинда қабул қилинган “Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томо-

нидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарорини мисол қилиб келтириш мумкин.

Тан олиш кераки, мазкур қарор тадбиркорларнинг жуда катта муаммоларини ечишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Биргина мисол, 2022 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига умумий майдонини 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкаларига, бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқларни тўлашни олти ой мuddатга кечиктириш ҳуқуқи берилди.

Солиқларни тўлашни

кечиктириш ҳуқуқи ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой мuddат ичида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилган ва унинг тўловини таъминлаш (гаров) талаб этилмаган ҳолда амалга оширилади.

Лекин мол-мулк солиғини кечиктиришда ўзига хос шартлар ҳам бор. Солиқ қонунчилигини бузиш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар гуруҳига киритилган тадбиркорлик субъектларига солиқларни тўлашни кечиктириш имконияти берилмайди.

Зиммасига миллий иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишдек шарафли вазифани олган ҳамда фаолиятини амалдаги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этган тадбиркор борки, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Буни назардан қочирмаслик лозим.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАБИАТГА ОДИЛОНА МУНОСАБАТДА БЎЛСАК, У БИЗНИ НЕЪМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД ЭТАДИ



◀ Йиғилишда 10 декабрда қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Бунинг учун манба ҳам тайёр,

яъни Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳокимликлар билан бирга, ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос кўчатларни кўпайтиради ва етказиб беради. Шу мақсадда қўмита ҳузурида “Яшил ҳудуд” унитар корхонаси ҳамда жойларда унинг филиаллари ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, бугун қурилаётган кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар уй-жой мулкдорларига яшил майдонлар барпо этиш учун бириктирилади, ҳар бир муассаса ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига дарахтлар экилади.

Бу эзгу ишлардан кўзланган асосий мақсад эса дарахт кўчатлари экишни янги босқичга олиб чиқиш, атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш устувор масала эканлигини ёш авлод онига сингдириш, ҳудудларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш, инсонларнинг табиатга бўлган муносабатини ижобий томонга буриш орқали ангиланиб бораётган юртимиз кўркига кўрк қўшиш ва Ватанимиз тараққиётини янада тезлаштиришдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, биз, сенаторлар ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда лойиҳа доирасида фаоллик кўрсатишни режалаштириб оляпмиз.

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДАРАХТ ЭКИШ БОРАСИДА «ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК»

Юртни яшилликка буркашдан ҳам ортиқ улғу иш борми дунёда?! Халқимизда кўчат эккан, боғ яратган инсонлар доимо қадр тоғани, ҳурмат-эътиборда бўлгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Бинобарин, экилган кўчатлар бозорларимиз тўкинлиги, қурилиш материаллари саноати ривожини, ерни эрозиядан сақлашга ҳисса қўйиши ва кислород ишлаб чиқариши, теваарак-атрофга қиройи ҳамда фусункорлик касб этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама марказида бўлди ва бу лойиҳа доирасида

Йилига 200 миллион түп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш белгиланди.

Видеоанжуманда бугунги ва келгусидаги экологик вазият инобатга олиниб, дарахт экиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани, шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёргарлик билан, пули, эгаси, сўғориш тизими билан амалга ошириш кераклиги таъкидланди.

Эндиликда, биринчи навбатда, мавжуд ва

янгидан барпо этиладиган яшил майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъул белгиланадиган бўлди. Улар дарахтларни парваришлаш билан бирга, ушбу ҳудудни обод сақлашга ҳам жавоб беради.

Йиғилишда 10 декабрда қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ҳокимлар билан бирга, ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос кўчатларни кўпайтириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қўмита ҳузурида “Яшил ҳудуд” унитар корхонаси ва ҳар бир вилоятда унинг филиаллари ташкил этиладиган бўлди.

Умуман, кўчат экиш бўйича белгиланган “долзарб 40 кунлик” фақатгина бир ташкилот ёки корхонанинг вазифаси бўлиб қолмасдан бунда ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши зарур.

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Семинар

Ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжи инобатга олинishi лозим

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида семинар ўтказилди.

Ушбу тадбир “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунларда белгиланган қоида ва нормаларни амалиётга кенг жорий этиш, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилди.

Таъкидланганидек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, аввало, қонунчиликни такомиллаштиришнинг тақозо этади. Шу нуктаи назардан, кейинги йилларда қонунчиликка муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу масала ҳуқуқий томондан тўлиқ қамраб олинди.

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, илм ўрганиши, касб танлаши, ҳунар эгаллаши борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш масаласида Меҳнат кодексига, “Таълим тўғрисида”ги Қонунга янги меъёrlар киритилди. Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодексига ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун, ижтимоий объектларга эмин-эркин кириб чиқиши учун шароит яратиш масалалари кўзда тутилди.

Биноларни қуришда, лойиҳалаштиришда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олиш алоҳида меъёр сифатида белгиланди. Умуман, ногиронлиги бўлган шахсларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳуқуқий жиҳатдан шароит яратилди. Бу борада давлат ташкилотларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлди.

Семинарда ногиронлиги бор шахслар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда объектларни барпо этишда эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар атрофида муҳокама қилинди. Хусусан, ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш, транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шугулланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган тадбирда қонунлар ижросини амалиётга сўзсиз жорий қилиш, бу борада ҳудудларда назорат-таҳлил тартибида ўрганишлар олиб бориш белгиланган бўлди.

“Халқ сўзи”.

